

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

СОБИРОВ БЕКЗОДБЕК АХМАДЖОНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ АШЁЛАРДАН МАШИНА ДЕТАЛЛАРИ УЧУН
ГЕТЕРОКОМПОЗИТ ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРИ ВА
ҚОПЛАМАЛАРИНИ ЯРАТИШ АСОСЛАРИ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик.
Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш.
Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(қуймачилик ва металларга термик ишлов бериш йўналиши бўйича)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Собиров Бекзодбек Ахмаджонович

Маҳаллий ашёлардан машина деталлари учун гетерокомполит полимер материаллари ва қопламаларини яратиш асослари..... 3

Собиров Бекзодбек Ахмаджонович

Основы создания гетерокомполитных полимерных материалов и покрытий из местного сырья для деталей машин..... 25

Sobirov Bekzodbek Ahmadjonovich

Basics of creating heterocomposite polymeric materials and coatings from local raw materials for machine parts..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

СОБИРОВ БЕКЗОДБЕК АХМАДЖОНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ АШЁЛАРДАН МАШИНА ДЕТАЛЛАРИ УЧУН
ГЕТЕРОКОМПОЗИТ ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРИ ВА
ҚОПЛАМАЛАРИНИ ЯРАТИШ АСОСЛАРИ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик.
Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш.
Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T725 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашининг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Джумабаев Алижон Бакишевич техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич техника фанлари доктори, профессор
	Бекмурзаев Нурхон Хайитович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.04 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «31»_октябрь_ соат _13⁰⁰_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./ факс: (99871) 227-10-32, E-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(99871)227-10-32).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д.Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Ф.С.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда замонавий машинасозлик саноати барча сохалар каби изчиллик билан кундан-кунга ривожланиб бормоқда, ўз навбатида машина ва механизмларни, шу жумладан, пахта саноати учун ишлатиладиган технологик жиҳозларни зарур бўлган эксплуатацион ишончлиликлка эга бўлишини ва самарадорлигини таъминлаш ҳозирги кундаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун пахтани қайта ишловчи машиналарнинг эксплуатацион ишончилигини таъминлашда, юқори самарали композицион полимер материаллардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, технологик жиҳозлар ишчи сиртларида янги материалларни қўллаш орқали такомиллаштириш ҳал этишни кутаётган долзарб илмий ва техник муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Испания, Россия, Япония, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида полимер композицион материаллардан маҳсулотлар олишда сифат кўрсаткичларига, хусусан эксплуатацион ишончлиликлка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МДҲ мамлакатлари ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг машинасозлик саноати ва иқтисодиётнинг бошқа сохаларида маҳаллий ашё ва энергетик ресурслардан оқилона фойдаланиш шу куннинг ўта долзарб муаммолари қаторидан жой олмоқда. МДҲ мамлакатларида замонавий машинасозлик ривожланишининг фундаментал ва амалий асосларидан бири бўлган материалшунослик ва янги материаллар технологиясида тадқиқотларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Етакчи ривожланган давлатлар олимлари тадқиқотларини таҳлил қилинганда машинасозликда материалшуносликнинг долзарб илмий йўналишлари орасида нометаллар, хусусан полимер материалларини машинасозлик саноати тармоқларида мақсадли қўллашга доир жуда кўп салмоқли тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек термореактив полимерларнинг оптимал таркибларини шакллантириш орқали физик, механик ва эксплуатацион ишончилигини таъминлаш ва машинасозликнинг кенг тармоқларида қўллаш ечимини кутаётган илмий-амалий муаммолардан бири ҳисобланади. Пахтани дастлабки қайта ишлаш корхоналарининг йирик технологик, мураккаб конфигурацияли машиналарнинг ишчи сиртларида самарали полимер материаллар асосида қопламаларни шакллантириш ҳамда машина деталларини полимер материаллардан ишлаб чиқариш учун янги энергия ва ресурсларни тежовчи технологияларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда полимер композицион материаллардан маҳсулотлар олиш кенг йўлга қўйилган бўлиб, ушбу материалларда маҳаллий ашёларни қўллаш орқали ресурстежамкорликни таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий

иктисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иктисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан полифункционал гетерокомполит полимер материаллардан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқиш, куйма усулда олинаётган маҳсулотларнинг сифати, дизайни ва таннархини дунё стандартларига мослаштириш, маҳаллий ашёларни қўллашда ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан полимер композицион материалларнинг хусусиятлари, структураси, таркиблари, физик, кимёвий, механик, эксплуатацион ва бошқа хоссаларини яхшилаш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Материалшуносликда полимер материалларни кенг қамровли қўллаш бўйича дунёнинг етакчи олимлари, жумладан АКШ, Англия, Германия ва Испания тадқиқотчилари Dirk G. Kurth, Juan Baselga Llido, Olga Martin Cadiz, Kazunori Fujisawa ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида полимер материалларнинг триботехник ва адгезион мустаҳкамлигининг самарадорлигини ошириш, полимер материалларнинг ички тузилиши, структура мослашувчанлиги ва эксплуатацион ишончилигини ошириш технологиялари ишлаб чиқилган.

МДҲ олимлари, жумладан Россия ҳамда Беларус олимлари Н.С.Ениколопов, Г.И.Бартенсов, А.А.Берлин, В.А.Белый, А.И.Свириденок, В.А.Струк, В.А.Гольдаде, П.Н.Богданович ва бошқалар томонидан олиб

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

борилган тадқиқотлар натижасида механик хусусиятлар ва устмолекуляр структураларнинг металл-полимер системалар антифрикцион-ейилишбардошлилик хоссаларини оширишга эришилган. Япония, Хитой ва Туркия олимлари Morinobu Endo, Eiji Mori, Yasuyoshi Nishida, Tadashi Kaneki, Iris Hölken ва бошқалар томонидан полимер материалларнинг таркибларини оптималлаштириш орқали структураларини бошқариш усуллари ишлаб чиқилган. Тадқиқотларда машиналар механизмларининг ишчи органлари ва уларнинг эксплуатацион хоссалари инобатга олинган.

Ўзбекистон олимларидан полимер композицион материалшуносликнинг ривожига академиклар С.С.Негматов, М.А.Асқаров, С.Ш.Рашидова, т.ф.д., профессорлар А.Ибодуллаев, З.А.Таджиходжаев, А.В.Умаров, А.А.Рискулов, О.Ёриев, сирт структураларини оптималлаш, технологик нотекисликлар параметрларини бошқариш бўйича академик Р.Г.Маҳкамов, композицион полимер қопламаларнинг пахта билан ўзаро таъсирлашувида структуравий мослашувчанлигининг ўзига хос жиҳатлари бўйича профессор У.А.Зиямухамедова, композит материалларни қўллаш ва технологик жиҳозлар ишчи органлари конструкцияларини оптималлаштириш бўйича профессор А.Джураев, пахта билан ишқаланиш шароитида ишлайдиган композит полимер материалларни ишлаб чиқиш ва уларни мақсадли қўллаш методологик асоси ва воситалари бўйича профессор А.Б.Джумабаев, композицион полимер материаллардан ясалган пахтани ташувчи пневмотранспортлари иш самарадорлигини баҳолаш бўйича профессор Х.Т.Ахмедходжаевлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Натижада пахтани механик жароҳатдан сақлаш эвазига табиий хусусиятини маълум даражада асрашга эришилган. Аммо, пахта толаси ва чигитини механик тўқнашувларда жароҳатланиши тўғрисида жуда кўп тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада жароҳат миқдорини сон ва сифат жиҳатдан баҳолашнинг муайян назарий ва амалий методи ишлаб чиқилмаган. Бу тадқиқотлар истиқболли ечими сифатида нафақат кўпфункционал полимер қопламагина эмас, балки гетерокомпозит полимер материалларидан бутун қуйма детал ёки металлополимер конструкциялар яратиш долзарблиги замон талабига айланмоқда. Шу муносабат билан активацион-гелиотехнологик усулидан фойдаланган ҳолдаги назарий ва амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ҳамда “Андижон пахтасаноати худудий филиали” МЧЖ, “Самарқанд пахтамаш” МЧЖ, “Каттақўрғон пахтамаш” МЧЖ, “Ўз-ДонгЖУ Пэинт Ко” МЧЖ ҚҚ, “Қорасув пахта тозалаш” АЖ, “Ўқчи пахта тозалаш” АЖлар билан тузилган ҳамкорлик шартномалари ва Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилаётган ОТ-Ф-2-41 «Машинасозлик учун маҳаллий ашёлар ва маҳаллий энергетик ресурслар асосидаги гетерокомпозит полимер материалларининг структуравий шаклланиш жараёнлари ва функционал хусусиятларининг тадқиқотлари» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашёлар асосида гетерокомпозит полимер материаллардан пахтага дастлабки ишлов бериш технологик жихозлари эксплуатацион ишончилиги ва самарадорлигини ошириш учун полимер қопламали ва қуйма деталларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўп факторли критерияларни прогнозлаш назарий асосларини таҳлил этиш асосида тола ва чигитнинг механик жароҳатланишини сон ва сифат жиҳатидан баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижаларининг ишончилигини асосли таъминлаш учун математик аппарат ва замонавий компьютер технологиясидан унумли фойдаланиш;

антифрикцион-ейилишбардошли гетерокомпозит полимер материаллардан пахта бунтини бузиш қозикчали деталларини олиш учун технологик пресс-формаларини ясаш;

антифрикцион-ейилишбардошли гетерокомпозит полимер материаллардан машина ишчи органлари учун қуйма деталларини олиш технологик режимлари ва геометрик параметрларини оптималлаштириш;

тадқиқот натижаларини жорий этиш ва техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта дастлабки ишлов бериш корхоналарининг йирик габаритли технологик жихозларининг ишчи деталлари, пахта бунтини бузиш қозикчалари, гетерокомпозит полимер материаллари, маҳаллий минераллар асосидаги тўлдирувчилар ва ипакни қайта ишлаш чиқиндисидан олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида маҳаллий ашё (ангрэн каолини, ипакни қайта ишлаш чиқиндисидан) лардан самарали фойдаланишга қаратилган гетерокомпозит полимер материалларининг оптимал таркиби ва технологияси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гетерокомпозит полимер материалларнинг антифрикцион-ейилишбардошли хоссаларини ўрганишда диски трибометри, гетерокомпозит полимер материаллар намуналарининг микроструктурасини ўрганишда эса ЭМВ-100 БР электрон микроскопи қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

транспортёрларнинг тўғри чизикли қисмларига 1,0-1,5 мм қалинликдаги гетерокомпозит полимер қопламалари ишлаб чиқилган;

гетерокомпозит полимер материаллардан ясалган қозикчали деталлар ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан антифрикцион ва антифрикцион-ейилишбардошли композицион терморреактив материаллар олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган;

гетерокомпозит полимер материаллари ва полифункционал қопламаларни қўллаб пахтанинг механик жароҳатланишини камайтириш имконини берадиган технология таклиф қилинган;

антифрикцион-ейилишбардошли гетерокомпозит полимер материалларини босим остида қуйиш технологик параметрларининг ўзаро боғлиқлиги ўзгариш қонуниятлари асосида регрессион тенгламалари ишлаб чиқилган;

кўп факторли критериял прогнозлаш назарий асосларини таҳлил этиш асосида тола ва чигитнинг механик жароҳатланишини сон ва сифат жиҳатидан баҳолашнинг мезони ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гетерокомпозит полимер материалларнинг физик-механик ва технологик тавсифларини пахтага дастлабки ишлов бериш ишчи жихозларининг эксплуатацион ишончилигига таъсири ўрнатилган;

РБ ва РП учун бутун қуйма ишчи органлари ва гетерокомпозит полимер материаллар асосидаги қозикчали детал конструкциялари яратилган;

пахтага дастлабки ишлов бериш машина ва механизмлар қозикчали деталларини гетерокомпозит полимер материалларидан олиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги стандарт усулларни қўллаш, антифрикцион-ейилишбардошли гетерокомпозит полимер материаллар таркиблари миқдорларини компьютер дастурларини қўллаб математик ишлов бериш ва олинган ГКПМларнинг физик-механик ва триботехник хоссаларини тадқиқот натижалари билан ишонарлилигини математик-статистик усулини мақсадли қўллаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – пахта толаси ва чигитининг механик жароҳатланишини мавжуд прогнозлаш ва махсус критериял баҳолаш мезонлари асосида сон ва сифат жиҳатдан аниқ миқдорлар билан қўлланилиши мумкинлиги илк бор таклиф этилди. Антифрикцион-ейилишбардошли гетерокомпозит полимер материалларнинг деформацияланиш хусусиятлари, ишқаланиш ва ейилишга таъсирли қонуниятларини аниқлаш йўли билан ҳамда пахтани қайта ишлаш машина ва механизмларининг ишчи органлари ишончилиги ва самарадорлилигини оширишни таъминлайдиган қозикчали деталларини ва технологик жихозлар ишчи органларини яхлит конструкциялаш тамойилларининг илмий асосланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – машина ва механизмларнинг гетерокомпозит полимер материаллардан тайёрланган ишчи органлари ва деталларининг энг муҳим эксплуатацион ишончилиги ва самарадорлилиги ортганлиги ҳамда маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан унумли фойдаланганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларига математик ишлов беришда Ньютон интерполяцион формуласи ва Лагранж методини қўлланилиши натижаларнинг ишончилиги, аҳамиятлилигини асосланиши ва қўлланиш доирасининг янада кенгайтириш имконини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Маҳаллий ашёлардан машина деталлари учун гетерокомпозит полимер материаллари ва қопламаларини яратиш асослари тадқиқотлари бўйича олинган натижалар асосида:

- транспортёрларнинг тўғри чизикли қисмларига 1,0-1,5 мм қалинликдаги гетерокомпозит полимер қопламалари «QORASUV PAHTA TOZALASH» АЖ корхонасида жорий қилинган (О'ЗПАХТАСАНОАТ АЖ нинг 2020 йил 18 июндаги 03-18/1851-сон маълумотномаси). Натижада транспортёрларнинг иш самарадорлигини 0,3-0,5 марта ошишини таъминлади;

- гетерокомпозит полимер материаллардан ясалган қозикчали деталлари «QORASUV PAHTA TOZALASH» АЖ корхонасида жорий қилинган (О'ЗПАХТАСАНОАТ АЖ нинг 2020 йил 18 июндаги 03-18/1851-сон маълумотномаси). Натижада пахтанинг механик жароҳатланишини 1,7-2,0 марта камайтириш имконини берди;

- маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан антифрикцион ва антифрикцион-ейилишбардошли композицион терморреактив материаллар олишининг самарали технологияси «QORASUV PAHTA TOZALASH» АЖ корхонасида жорий қилинган (О'ЗПАХТАСАНОАТ АЖ нинг 2020 йил 18 июндаги 03-18/1851-сон маълумотномаси). Натижада технологиянинг жорий этилиши технологик жихозларнинг ишлаш муддатини 30-35% га оширди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 9 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан 1 таси ҳорижий ва 5 таси Республика журналларида нашр этилган, 2 та компьютер дастурига гувоҳнома олинган ва битта ҳаммуаллифликдаги монография (27,5 босма табоқ ҳажмда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пахтага дастлабки ишлов бериш технологик машиналарининг ишлашини таҳлил қилиш ва пахтанинг механик жароҳатланиши асосий сабабларини аниқлаш”** деб номланган биринчи бобда пахтага дастлабки ишлов бериш, пахта бунти (ғарами) ни бузишдаги технологик жихозлар ишчи қисмларини лойиҳалаштириш орқали пахта тозалаш саноатидаги машина ва механизмларининг иш қобилияти ва самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларнинг чуқур таҳлили ва уларни тайёрлаш учун янги материаллардан фойдаланиш каби маълумотлар келтирилган.


Ушбу бобда пахтага дастлабки ишлов бериш корхоналари технологик жихозларининг ишчи қисмларида антифрикцион материаллардан фойдаланиш масаласининг ҳолати кўриб чиқилган. Пахтани қайта ишлашнинг тартибга солинадиган технологик жараёни таҳлил қилинди ва технологик машиналар ишчи юзаларининг асосий ва ўзига хос камчиликлари аниқланди. Ушбу камчиликларни полимер ва композит қопламаларни қўллаш орқали олдини олиш мумкинлиги маълум. Шунини таъкидлаш керакки, анъанавий тўлдирувчилар ва саноат полимерларига асосланган гетерокомпозит полимер материаллари ва қопламалари камёб ва харжталаб. Шу сабабли, фойдаланиш хусусиятлар жиҳатидан бир қатор афзалликларга қарамай, гетерокомпозит полимер материаллар ва уларга асосланган қопламалар кенг қўлланилмайди.

Шу муносабат билан маҳаллий хомашё асосида самарали композицияларни ишлаб чиқиш зарурияти уларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш орқали юзага келади.

Пахтага дастлабки ишлов бериш машиналарининг технологик принциплари таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, пахтанинг табиий сифатини пасайтириш ва унинг механик жароҳатланишини ошишининг асосий омили ишқаланишдир, бу ишқаланиш кучларининг (ёки коэффицентининг) катталигини тавсифлаш мумкин.

Шу билан бирга, гетерокомпозит полимер қопламаларни олиш учун ОТ-Ф-2-41 фундаментал лойиҳа раҳбари Зиямухамедова У.А. томонидан таклиф этилган пахтани қайта ишлаш учун технологик ускуналарнинг ишчи юзаларида активацион-гелиотехнологик усулидан фойдаланилди (1-расм).

Диссертациянинг **“Гетерокомпозит полимер материаллар ва қопламалар хусусиятларининг тадқиқот усуллари ва объектини танлаш”** деб номланган иккинчи боби илмий тадқиқот ишининг объекти ва тадқиқот усуллари танлашга бағишланган бўлиб, хусусан, термик ишловсиз табиий шароитда шакллантириш учун полимер боғловчилар ва структура ҳосил қилувчи компонентлар танлаб олинди, бу мураккаб конфигурацияли ва йирик ўлчамдаги технологик жихозлар ва пахтага дастлабки ишлов бериш машиналари учун юпқа қатламли гетерокомпозит қопламаларни модификациялашда активацион-гелиотехнологик усулини қўллашни таъминлайди.



1-расм. Гетерокомпозит эпоксид қопламаларини ишлаб чиқариш технологик схемаси: 1 - минерал тўлдирувчи учун сиғим (0,005 0,000,5 мм); 2 – майдаланган полиэтилен учун сиғим; 3 - госсипол смоласи учун сиғим; 4 - ЭД-20 учун сиғим; 5- ПЭПА учун сиғим; 6 - дозаторлар; 7 - механик активатор; 8 - шарли тегирмон; 9 - маҳсулот (ишқаланишга қарши қопламалар учун гетероген таркиб); 10 - дастлабки иситиш; 11 - механик аралаштиргич; 12 - катта ўлчамли технологик ускуналарнинг ишчи қисмларига қоплама қоплаш; 13 - қопламаларга қуёш нурида ишлов бериш.

1-жадвалда тадқиқот учун танланган асосий материаллар келтирилган.

1-жадвал

Қоплама учун танланган материаллар

№	Материал номи	ГОСТ ёки ТУ	Изох
1	Эпоксид смоласи (ЭД-20)	ГОСТ 10587-72	Терморреактив боғловчи
2	Дибутилфталат (ДБФ)	ГОСТ 8728-76	Пластификатор
3	Полиэтиленполиамин (ПЭПА)	ТУ 6-02-594-70	Қотирувчи
4	Графит (Пластинкали)	ГОСТ 44404-88	Тўлдирувчи (d≤20 мкм)
5	Каолин (Ангрен)	О'zDSt 1056:2004	Тўлдирувчи (d≤20 мкм)
6	Полиэтилен	ГОСТ 18599-83	Термопласт боғловчи
7	Ипакни қайта ишлаш чиқиндиси (ИҚИЧ), синчловчи	О'zDSt 993-2011	Тўлдирувчи (d≤100мкм)

ЭД-20 боғловчисини танлаш, термик ишловсиз табиий шароитда шакллантириш учун қуйма полимер материаллар ва қопламалар ишлаб чиқаришнинг энг қулай полимерлардан бири эканлиги билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда асосан гетерокомпозит полимер материалларнинг юқори кучли хусусиятларини таъминлайдиган силикатлар: қум, цемент, талк, каолин, волластонит ва бошқалар полимер материаллар ва қопламалар олиш учун тўлдирувчи сифатида ишлатилади.

“ANGREN KAOLIN” МЧЖ маҳсулотларининг танланган маркалари кимёвий ва дисперсли таркиби билан ажралиб туради, бу эса мақбул структура ҳосил қилишга ва техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга қопламаларни олиш имконини беради.

О'zDSt 1056: 2004 “Бирламчи бойитиш каолини” TSh бўйича каолинни қўллаш соҳасида тавсия этилган техник маркалар

Марка	Қўлланилиш соҳаси
AKF-78	Каолин пастаси, юқори сифатли керамика, кабел, пластмасса, электр техникаси (изоляциялар) лак-бўёқ, парфумерия маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хомашё кўринишида, шунингдек қоғоз, каогулянтлар ишлаб чиқаришда тўлдиргич сифатида ишлатилади.
AKC-30	Керамика буюмлари ишлаб чиқариш учун қўлланилади
AKT-10	Қурилиш материаллари, техник резина, пластмасса, лакбўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қўлланилади.
Изоҳ – товар белгиларида қуйидаги қисқартмалар қабул қилинади: - АКФ-78 – қоғоз ишлаб чиқариш учун ангрен каолини, 78%; - АКC-30 – алюминий оксиди (Al_2O_3) бўлган керамика буюмлари ишлаб чиқариш учун ангрен каолини - $(30 \pm 2) \%$; - АКТ-10 – тўлдирувчи сифатида ишлатиладиган ангрен каолини, таркибида энг кам алюминий оксиди бор - (Al_2O_3) - $(10 \pm 2) \%$; - АКО – бу “ANGREN KAOLIN” МЧЖ нинг чиқиндисидир.	

“ANGREN KAOLIN” МЧЖ қуйидаги қайта ишланган хом ашёнинг 48% миқдорида каолин маҳсулотларини ишлаб чиқаради: АКФ-78 (ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 25,7%) - қоғоз ва лак бўёқ ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланган; АКC-30 (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 42,9%) - керамика саноати ва электр изоляция материаллари учун; АКТ-10 (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 31,4%) - шиша ишлаб чиқариш ёки тикиш учун тайёр бўлмаган хом ашё. “ANGREN KAOLIN” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган каолиннинг асосий маркалари 2-жадвалда келтирилган.

ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ мажмуасида ишлаб чиқариладиган термопластик полимерларнинг турли маркалари 3-жадвалда кўрсатилган, ушбу маркали полимерлардан исталган деталларни қуйиш орқали олиш мумкин.

ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ мажмуасида ишлаб чиқариладиган полиэтиленнинг саноат маркалари

Паст зичликдаги полиэтилен	Ўрта зичликдаги полиэтилен	Юқори зичликдаги полиэтилен	
F-Y720	R-0333	F-Y240	I-0754
F-Y920	WC-Y734	P-Y242	B-Y456
F-0120	F-Y336	P-Y342	P-Y456
F-0220	WC-Y434	F-Y346	I-0760
F-0320	P-Y337	O-Y446	B-Y460
I-0525	R-0338	R-0448	I-2560
I-1625		B-Y250	I-1561
		O-Y750	O-Y762
Изоҳ: F-плёнка (film); I-қуйиш (injection); R-ротацион қолиплаш (rotation); WC-сим ва кабельс(wire and cable); P-кувур (pipe); O - йўналтирилган тузилмалар (oriented tapes); B – зарб остида қолиплаш (blow).			

Назарий ва амалий таҳлиллардан олинган маълумотларга интерполацион Ньютон формуласи ва Лагранж усули ёрдамида ишлов

берилди. Шунинг учун Ангрен каолинлари ёрдамида активацион-гелиотехнологик усулда ҳосил бўлган гранулометрик тўлдирувчилар ҳажмини тақсимлаш ва гетерокомполит эпоксид қопламаларининг хусусиятларини аниқлаш учун эксперимент ўтказиш режалаштирилди. Математик моделни яратиш учун икки турли хил эксперимент учун Ньютоннинг интерполяция формуласи тузилган:

$$P_0 = y_0 + \frac{\Delta y_0}{1!h_0}(x - x_0) + \frac{\Delta^2 y_0}{2!h_1^2}(x - x_0)(x - x_1) \quad (1)$$

Диссертация ишида АКТ-78 билан тўлдирилган гетерокомполит полимер материалларнинг қопламалари учун микроқаттиқлик H_m (МПа) ва адгезион мустаҳкамлик σ_a (МПа) нинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш учун Ньютоннинг интерполяция формуласидан фойдаланган ҳолда маълумотлар фарқи жадвалидан фойдаланилди (4-расм).

4-жадвал

Ангрен каолинлари ёрдамида активацион-гелиотехнологик усулда ҳосил бўлган тўлдирувчи таркибий қисмлари, заррачалар ҳажмининг тарқалиши ва гетерокомполит эпоксид қопламаларининг хусусиятлари бўйича тажрибани режалаштириш

ГКПМ дан тайёрланган қопламаларнинг тури, гранулометрик таркиби (масса соат)	ГКПМли қопламаларнинг физик-механик хоссалари		Эксплуатация тавсифи ГКПМ қопламалар фактор бўйича ² $f \cdot \delta_0$	
	Микроқаттиқлик H_m (МПа)	Адгезион мустаҳкамлик ¹ σ_a (МПа)		
АКФ-78	10 (d=0,001-0,01)	14,5	142	0,021
	20 (d=0,001-0,01)	15,2	131	0,028
	30 (d=0,001-0,01)	12,1	98	0,038
АКС-30	10 (d=0,02-0,2)	18,1	112	0,026
	20 (d=0,02-0,2)	19,3	118	0,032
	30 (d=0,02-0,2)	18,6	96	0,036
АКТ-10	10 (d=10-30)	16,2	122	0,022
	20 (d=10-30)	18,3	133	0,023
	30 (d=10-30)	19,2	131	0,026
АКО	10 (d=30-50)	15,2	112	0,025
	20 (d=30-50)	16,3	121	0,028
	30 (d=30-50)	17,1	110	0,032

Изоҳ: 1 – ажратишга; 2 – $p \cdot v = 0,05$ МПа·м/с бўлса, O'zDSt 2822-2014

Ньютон интерполяцияси формуласидан фойдаланиб, қуйидаги маълумотларни белгилаб оламиз:

$$\begin{aligned}
 x_0 &= 14.5, x_1 = 15.2, x_2 = 12.1; y_0 = 142, y_1 = 131, y_2 = 98 \\
 P_{11} &= 142 - \frac{11}{1!}(x - 14,5) - \frac{22}{2!}(x - 14,5)(x - 15,2) \\
 &= 142 - 11x + 159,5 - (11x - 159,5)(x - 15,2) \\
 &= 142 - 11x + 159,5 - 11x^2 + 167,2 + 159,5x - 2424,4 \\
 &= -11x^2 - 170,5x - 2097,7
 \end{aligned}$$

ёки

$$P_{11} = -11x^2 - 170,5x - 2097,7 \quad (2)$$

Ушбу функцияларнинг графиги диссертация ишида берилган.

Диссертациянинг “**Машина деталлари учун гетерокомпозит полимер материаллари яратишнинг назарий ва технологик асослари**” деб номланган учинчи бобида технологик омилларнинг гетерокомпозит термопластик ва терморреактив полимер материаллардан пахтани жароҳатдан сақлашга ва тайёрлашга мўлжалланган машина ва механизмларнинг қозикчали деталларини олиш учун уларнинг физик-механик хоссаларига таъсири бўйича экспериментал тадқиқот қилиш натижалари келтирилган.

Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳим стратегик хомашё ҳисобланган табиий хусусиятли пахтани териш жараёни ва қайта ишлаш жараёни бироз ўзгарди. Чунки пахта хомашёси, айниқса унинг толаси, қаттиқ ва қўпол металл сирт билан ўзаро механик таъсирланишувда ишлайди. Хом ашё сифатига ва машина ва механизмларнинг ишлашига салбий таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири бу пахтанинг машина ишчи органлари сиртлари билан ишқаланиш кучи (коэффициенти) дир.

Полимер материалларнинг иш фаолиятини баҳолаш учун турли хил усуллар мавжуд. Масалан, полимер материаллар ейилишбардошлигини баҳолаш учун қуйидаги мураккаб омилни келтириш мумкин:

$$I \sim \frac{f}{H \sigma_p \varepsilon_0}, \quad (3)$$

бу ерда, H - қаттиқлик, σ_p – узилишга мустаҳкамлик; ε_0 – узилишдаги чўзилиш. Мураккаб омилнинг қиймати ($H \sigma_p \varepsilon_0$) қанчалик кўп бўлса, ейилишбардошлик ҳам шунчалик кам бўлади.

Полимерларнинг ишчанлигини баҳолашнинг яна бир муддат бўйича усули мавжуд:

$$\tau \sim \frac{\sigma}{I \cdot f}, \quad (4)$$

бу ерда I – қопламанинг чизиқли ейилиш даражаси.

Тадқиқот натижаларининг кўпфакторли тахлили ва ўзаро таъсир қилувчи материалларнинг хусусиятлари ва трибопараметрлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги асосида профессор А.Б. Джумабаев тола ва чигитнинг механик жароҳатланишини сифат жиҳатидан баҳолаш критериял мезонини тақдим этган:

$$f \cdot \delta \sim \exp \left[\frac{E_M - E_B}{E_M} \right] \cdot \frac{R_Z K_B H B_H}{d K_H H B_C} \rightarrow \min, \quad (5)$$

бу ерда,

E_M ва E_B – мос равишда материал ва толанинг эластик модули;

$H B_H$ ва $H B_C$ - мос равишда тўлдирувчи ва боғловчи қаттиқлиги;

R_Z - белгиланган нотекистик баландлиги;

d - пахта толасининг диаметри;


K_B - пахта таркибидаги тола улуши;

K_H - тўлдирувчи концентрацияси.

Таклиф этилаётган мезонга биноан, минимал мураккаб омил (ишқаланиш коэффициенти ва пахтанинг нисбий жароҳатланишини минималлаштириш) мавжуд бўлган юқори самарали ГКПМни танлашда,

материалнинг Юнг модулини пахта толасининг Юнг модулига яқинлаштиришга ҳаракат қилиш керак, шу билан бирга, сиртнинг микроқаттиқлиги бир текис тарқалишини таъминлаш орқали эришилган нетекилик баландлиги минимал ўзгаришини таъминлаш керак. Бундай ҳолда, ГКПМ ишқаланиш иссиқлик таъсирини ўзгартириш орқали технологик жиҳозлар ишлаш шароитида ($\rho\nu$) f миқдорини максимал барқарорликка эришиш жуда муҳимдир.

Пахта билан ўзаро таъсирланишувда материалларнинг триботехник хусусиятларини аниқлашда қайд этилган стандарт усул ва воситаларни қўллаган ҳолда, расмдаги омилларнинг аҳамиятини аниқлаш ва баҳолаш учун компьютер дастури (№ DGU 06757) ишлаб чиқилди (2-расм).




2-расм. Пахтанинг нисбий жароҳатланиши ва ишқаланиш коэффициенти кўпайтмаси билан боғлиқлиги графиги.

Жуда мураккаб кўп факторли таҳлилни экспериментал равишда ўтказиш учун O'zDSt 2822-2014 миллий норматив ҳужжати ишлаб чиқилган бўлиб, унда синов дастгоҳи сифатида Дискли трибометр (№ FAP 00782) ишлатилди. Ишлаб чиқилган гетерокомпозит полимер материал ва қопламаларининг пахта билан фриксион ўзаро таъсирлашув синовидан олдин ва кейин сирт структурасини оптик микроскоп ёрдамида таҳлил қилишда АКФ-78 ва АКС-30 майда дисперсли полимер қопламалари кам ейилган силлиқ юзаларга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. АКТ-10 билан тўлдирилган гетерокомпозит полимер қопламалар аниқ ишқаланиш белгилари билан ажралиб туради, бу жуда кенг тарқалган дисперс тўлдирувчи билан боғлиқ микроқаттиқликнинг нотекис тарқалиши натижасида юзага келади (3-расм).

Такдим этилган қонуниятлардан назарий қоидаларни янада ривожлантириш тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган бирликсиз мезон пахтани қайта ишлаш жиҳозлари ишчи органларида ва механизмларида ишлатиладиган антифриксион-ейилишбардошли гетерокомпозит полимер материаллар яратилишининг илмий асоси, деб эътироф этиш мумкин.



3-расм. Триботехник ишқаланиш синовидан олдин ва кейин сирт тузилиши (x300).


4-расмда пахта билан тўқнашадиган радиал ва горизонтал қозикчаларнинг металлоконструкцияли кўриниши келтирилган. Келтирилган расмлардан радиал бронзали қозиклар бутунлай ейилганлигини ва ён томон қозикларни эса жуда қаттиқ ейилган ҳолатдалигини аниқлаш қийин эмас.



4-расм. Пахта билан тўқнашадиган радиал ва горизонтал қозикчаларнинг металлоконструкцияли кўриниши.

Технологик жараёни таъминлаш пахта бунти (ғарами) ни бузиш ва таъминлагич (РБ ва РП) каби механизациялаштириш воситалари ёрдамида амалга оширилади (5а-расм).

Механизациялаш воситаларининг юқори қирраларига қозикчалар ўрнатилган радиал стерженлар иш жараёнида, “фреза” деб номланувчи ишчи органларни айланиш пайтида, улар пахта массасини кесиб, уни айланиш йўналиши бўйича тортиб олиб, конвейерга узатади. Шу билан бирга, қозиклар пахта қатламига босим ўтказди, бу пахта чигитига зарар етказадиган ва толада тикланмайдиган нуқсонлар пайдо бўлишига олиб келадиган таъсир кучини келтириб чиқаради.



4-расм. Бунтбузги ишчи диаграммаси: а - бунтбузгич чамбарагининг пахта бунтини бузиб олиш жараёни схемаси: 1-радиал стерженлар, 2-қозиқчалар, 3-бириктирувчи стерженлар, 4-транспортёр лентаси. б - бунтбузгич каллагги схемаси.


Шунинг учун профессор О.Ш. Саримсаков бунтбузгич (РБ ва РП) ишчи органларини такомиллаштириш мақсадида, янги ишчи орган схемасини (5б-расм) таклиф қилган. Унга кўра янги ишчи орган чамбарак 1, лентали транспортёр 2, таянч 3, кўзгалмас қозиқлар 4 дан иборат бўлади. Бунда радиал стерженлар вал атрофида 140 – 160 мм диаметрга эга бўлган гардиш (втулка) ларга уринма тарзда маҳкамланади. Бу ҳолат радиал стерженлар учининг радиусга нисбатан 10 – 12 град га оғишини таъминлайди. Бу стерженлар учига амалдаги бронза қозиқчалар маҳкамланади. Кўзгалмас қозиқлар алоҳида планкага ўрнатилади. У ўз навбатида таянчга кертikli (резбали) улаш ёки пайванд йўли билан маҳкамланади.

Кўриб ўтилган назарий таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, Уқчи (Андижон вилояти) ва Қорасув (Тошкент вилояти) пахта тозалаш корхоналарида юпқа қатламли қопламалар кўринишидаги тадқиқотларни амалга оширишда полимер ва металлополимер қозиқчалардан фойдаланиб, бунтбузгич ва таъминлагич (РБ ва РП) ишчи қисмларини такомиллаштириш мумкин деган муҳим хулосага келинди.

Ҳозирги вақтда бронзадан тайёрлаш матосининг танқислиги, ишлов беришда кўп меҳнат талаб қилиниши механизациялашда етарли даражада фойдаланилмаслиги сабабли улардан мутлақо воз кечиб ГКПМ керак деган хулосага келинди.

Шунинг учун, илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида юқорида ўрганилган пахта бунти (ғарами) ни бузгич ва таъминлагич (РБ ва РП) ишчи органларини маҳаллий минерал тўлдирувчилар ва гетерокомпозит полимер материалларидан фойдаланган ҳолда кассет формаларда куйма детал олиш технологияси таклиф этилди (6-расм).

Диссертациянинг **“Экспериментал тадқиқот натижалари, уларни жорий этиш ва техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобда тадқиқот натижалари ва уларни таҳлил қилиш, синовдан ўтказиш, амалга ошириш ва техник-иқтисодий самарадорликни баҳолаш бўйича маълумотлар келтирилган.



6-расм. Пахта бунтини бузиш қозикчали ишчи қисмларини тайёрлаш учун қўйма кассетли форма кўриниши: а – ўзак қисм, б - чап ва ўнг қозикчали ишчи қисмлар, с - ГКПМ нинг кассетали ишчи қисми.


Ҳозирги кунда кўп турдаги полимер материаллардан: термопластлар, реактопластлар, эластопластлар ва бошқалардан технологик машиналарда қўллаб, уларни конструкциясини оптималлаштириш учун тобора кўпроқ ишлар амалга оширилмоқда.

Маълум бўлган конструкциядаги пахта тозалаш мосламасининг тозаловчи бўлими қобикдан, горизонтал текисликда тўртта кетма-кет ўрнатилган композит барабанлардан иборат, унда вал билан биқр уланган гупчакка кийдирилган халқали резина тиқин ўрнатилган қозикча ва планкали ташқи цилиндр мавжуд (7-расм). Бунда пахтанинг қайта ишлаш технологик жараёни бўйича ўрнатилган ҳар бир кетма-кет қозикчали планкали барабаннинг резина тиқинининг ундан олдинги барабаннинг тиқини қалинлигидан (пахтанинг қайта ишлаш технологик жараёни йўналиши бўйича) нисбатан 10-15% камроқ.



7-расм. Қайишқоқ элементли эластик материалдан тайёрланган титиш қозикчали барабан кўриниши.

Бугунги кунга қадар, турли мақсадлар учун кўпкомпонентли маҳсулотларни юқори босим остида қуйиш учун бир неча усуллар ишлаб чиқилган ва саноат миқёсида муваффақиятли қўлланилмоқда. Ушбу усулларнинг ҳар бирини амалга ошириш учун икки ёки ундан ортиқ қуйиш узеллари махсус лойиҳаланган қуйиш машиналари талаб қилинади. Ушбу қурилмаларнинг ҳар бири таркибий қисмлардан бирини пластиклаштиради ва қўйма шакл ҳосил қилади, масалан, ҳар хил рангдаги ва марқадаги термопластлар ва бошқалар (8-расм).



